

Косойнсой сув омбори яқинидаги «Ёшлик» маҳалласига электр энергияси етказиб берилди

Қирғизистон раҳбари топшириғи билан Косонсой сув омбори яқинидаги «Ёшлик» маҳалласига электр энергияси етказиб берилди.

Косонсой сув омборига туташ ҳудудда жойлашган «Ёшлик» маҳалласи аҳолиси, Ўзбекистон фуқаролари 2018 йилни электр энергияси ва иссиқликда кутиб олади. Қирғизистон раҳбарининг 18 декабрда аҳоли пунктига электр энергиясини етказиб беришни қайта тиклаш бўйича шахсан топшириқ берди.

Ўзбекистон ТИВ матбуот хизматининг [хабар қилишича](#), бу Ўзбекистон ва Қирғизистон президентлари Шавкат Мирзиёев ва Сооронбай Жээнбековнинг 13–14 декабрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралари жараёнида эришилган келишувлар амалга оширилаётган шарофати билан юзага чиқди.

манба: gazeta.uz